

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг
2022 йил “ 29 ” апрелдаги 16-сон
буйруғига 4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, унинг
худудий бўлинмалари ҳамда маҳалладаги хотин-қизлар фаолларида
манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Услубиёт Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Кўмита), унинг худудий ва таркибий бўлинмалари ҳамда маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари (кейинги ўринларда – Кўмита тизими)да манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, унинг олдини олиш ва тартибига солиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом қоидалари эгаллаб турган лавозими ва бажараётган хизмат ваколатларидан қатъий назар Кўмита тизимининг барча ходимларига тегишли.

3. Мазкур Низом Кўмита тизимида юзага келган ва юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бошқариш масалаларидаги асосий ички ҳужжат ҳисобланади ва барча ходимлар томонидан сўзсиз риоя қилиниши шарт.

4. Кўмита тизими ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ масалалар Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда – Кўмита) комплаенс назорати бўйича бош мутахассиси томонидан мувофиқлаштириб борилади.

5. Мазкур Низом мақсадларида куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

алоқадор шахслар – кўмита тизими ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;

кронизм – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият (лавозим мавқесидан) ва обрўсидан фойдаланиш;

манфаатлар тўқнашуви –кўмита тизими ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш – ходимлар томонидан потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисида эълон қилиш тартиб-таомили;

манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш – қўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари ҳамда маҳалладаги хотин-қизлар фаоли томонидан хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажарилмаслиги ҳолати ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви юзага келганда уларнинг манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий ва бошқа манфаатлар) Қўмита тизими манфаатларидан устун келиши хавфини камайтириш ёки бартараф этиш;

маҳаллийчилик – шахсни унинг наслий келиб чиқиши (аслзода ёки машхур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф эътилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

непотизм (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, фаворитизмнинг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши) – ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар хисоблаш, Қўмита тизими манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

потенциал манфаатлар тўқнашуви – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Қўмита тизими билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий ва бошқа манфаатлари) муайян вазиятлар юзага келганда, улар Қўмита тизимининг манфаатларига қарама-қарши бўлиши ва Қўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари ҳамда маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган вазият;

реал манфаатлар тўқнашуви – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Қўмита тизими билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари) Қўмита тизими манфаатларига бевосита ёки билвосита қарама-қарши бўлган вазият;

уруғ-аймоқчилик – қўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари ҳамда маҳалладаги хотин-қизлар фаоли ходимининг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва нохолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги;

фаворитизм – қўмита ходими бошқа шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига қараганда битта шахс ёки шахслар гуруҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сиҳатгоҳлар ва хорижий сафарларга юбориш, мурожаатлар, шунингдек иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишида кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қилмаслик;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар

кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

шафелик – қўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари ҳамда маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, уни ёқлаб ёнини олиши;

яқин қариндошлар – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўтгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олингандлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўтгай ака-ука ва опа-сингиллари.

2-боб. Манфаатлар тўқнашувини бошқаришининг тамойиллари

6. Кўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари ҳамда хотин-қизлар фаоллари манфаатлар тўқнашувини бошқариш масалаларида қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилишлари шарт:

фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

давлат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўйиш;

ошкоралик, виждонлилик, холислик асосида қарорлар қабул қилиш;

потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишнинг шартлиги;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича профилактик чораларнинг устуворлиги;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини кўриб чиқиш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда жамоавийликка амал қилиши;

манфаатлар тўқнашуви аломатлари билан тавсифланган вазиятларни кўриб чиқиш, баҳолаш ва ҳал қилишга холис ёндашув;

белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

агар ходим бирон-бир қарор қабул қилишдан аввал ёки ўзига юклатилган функцияларни бажаришдан олдин манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тегишли тартибда хабар берган ҳамда Кўмита тизими манфаатлари фойдасига ўз шахсий манфаатларидан воз кечишига тайёр бўлса, уни реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги сабабли ишдан бўшатилишига йўл қўйилмаслиги;

шашфоффлик ва ҳисобдорлик;

шахсий жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги.

3-боб. Масъул таркибий тузилмалар ходимларининг мажбуриятлари ва ваколатлари

7. Кўмита тизими ходимлари ўзларининг хизмат мажбуриятларини бажаришида ва (ёки) Кўмита тизимининг манфаатларини ифодалашда ушбу Низомда белгиланган тамойилларга амал қилишлари, шунингдек манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан ўзларини сақлашлари шарт.

8. Хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун Кўмита, унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ҳамда маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари:

ушбу Низом талабларига риоя қилиши;

фақат Кўмита тизими манфаатларини кўзлаши;

ўз мансаб ва хизмат мавқеидан фақат Кўмита тизими манфаатлари йўлида фойдаланиши;

кўмита тизими манфаатларига зид келадиган ёки зид келиши мумкин бўлган шахсий манфаатлар тўғрисида Кўмитанинг Комплаенс назорати бош мутахассиси (кейинги ўринларда – Бош мутахассис)ни хабардор килиши;

непотизм (қариндошлик), шафелик, фаворитизм, кронизм, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликнинг намоён бўлишига қатъий чек қўйиши;

потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ ошкор қилиши;

ўзининг яқин қариндошлари ва алоқадор шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини, ўзининг ва уларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларида иштироки ҳақидаги маълумотларни ҳалол, тўлиқ ва вижданан ошкор қилиши;

агарда ташкилотнинг бошқа ходимларида манфаатлар тўқнашуви мавжудлигига оид маълумотга эга бўлган тақдирда ички ҳужжатларда белгиланган тартибда хабар бериши шарт.

9. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида Кўмита тизими ходими қуйидаги ҳолларда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериши керак, агар:

ходимнинг бевосита бўйсунувида яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахслар бўлса;

белгиланган тартибда фаолияти ўрганилаётган ташкилотда ходимнинг яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахслар фаолият юритса ёки белгиланган тартибда фаолияти ўрганилаётган мансабдор шахс ходимнинг яқин қариндоши ва (ёки) алоқадор шахс бўлса;

ходим яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахсларга нисбатан ходимларга (жумладан, иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш, мукофотлар, устамаларга тақдим этиш ва уларнинг миқдорини белгилашга) оид қарорлар қабул қилишда иштирок этса.

Мазкур рўйхат якуний ҳисобланмайди. Кўмита тизими ходими яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахсларга нисбатан (улар фаолият юритаётган ташкилотларга) ҳар қандай қарорлар қабул қилиш (имтиёзлар бериш, лицензиялар тақдим этиш, маҳсулотлар сотиб олиш ва шу кабилар) ҳолати потенциал манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳолларда, Кўмита тизими ходими манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериши лозим бўлади.

10. Мазкур Низомнинг 9-бандида қайд этилган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни аниқлаш учун ходим қарор қабул қилиш ёки хизмат мажбуриятларини бажаришдан аввал ўзига қуйидаги саволларни бериши лозим: “Мен қарорни вижданан ва холис қабул қилишим, ҳаракатни амалга оширишим мумкинми?” ва “Агар бу қарорни бошқа ходим қабул қилганда,

худди мен қабул қилган қарорни қабул қилган бўлармиди?”. Агар ходим бу саволлардан биттасига бўлса ҳам “Йўқ” деб жавоб берса, манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги хатари юзага келади.

11. Кўмита тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш борасида қуидагилар амалга оширилади:

ходимларни ишга қабул қилиш ёки лавозимга тайинлашда, шунингдек бошқа ҳолатларда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарувчи ахборот жамланади;

ҳар бир ходим мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажаришида юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳолатини аниқлайди ҳамда ўзининг раҳбари ва Кадрлар бўлимига хабар беради;

манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар бир маълумот ёки хабар коллегиал тартибда ўрганилиб, унинг таъсири аниқланади. Қонун хужжатлари талаблари доирасида манфаатлар тўқнашувини аниқлашнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.

12. Манфаатлар тўқнашуви қуидагича бошқарилади:

ходимларни ишга қабул қилишда уларга мазкур Низом талаблари имзо қўйдирилган холда таништирилади;

Низом талаблари бўйича ходимларга тушунтириш ва маслаҳатлар бериш ишлари олиб борилади;

аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари рўйхатга олиб борилади;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини ўрганиш, уларга баҳо бериш ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган чораларни белгилаш Кадрлар бўлими томонидан амалга оширилади;

манфаатлар тўқнашувини олдини олиш жараёнининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида кузатиш ҳамда мониторинг амалга оширилади.

Манфаатлар тўқнашуви бошқарилшида қонун хужжатлари талаблари асосида бошқарышнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.

13. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳолларда қуидаги чоралар кўрилиши мумкин:

ходимнинг тегишли фаолиятни амалга оширишда ёки қарор қабул қилишда ихтиёрий равишда иштирок этмаслиги ёки четлашишига рухсат бериш;

ходимнинг лавозим вазифаларини кўриб чиқиш ёки унга ўзgartариш киритиш;

ходимнинг шахсий манфаатлари билан боғлиқ бўлган маълумотларга чекловлар ўрнатиш;

ходимнинг шахсий манфаатлари унинг лавозим мажбуриятларига зид бўлса, уни манфаатлар тўқнашуви таъсир этмайдиган бошқа лавозимга ўтказиш;

ходимнинг Кўмита тизими фаолиятига ёки манфаатларига салбий таъсир этувчи ўзининг шахсий манфаатларидан воз кечиши;

ходимнинг шахсий манфаатлари Кўмита тизими фаолиятига ёки манфаатларига зид бўлса ҳамда уни бошқарышнинг бошқа чораларини қўллаш имкони бўлмаса ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиши.

4-боб. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш ва кўриб чиқиш тартиби

1-§ Манфаатлар тўқнашувини декларация қилишнинг умумий қоидалари

14. Кўмита, унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари келиб чиқишини олдини олиш манфаатлар тўқнашувини декларация қилишнинг кўйидаги шаклларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

Кўмита тизимида вакант бўлган бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш;

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ҳар йил ошкор қилиш (йиллик декларация);

реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви юзага келиш факти бўйича маълумотларни ошкор қилиш.

2-§ Бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш

15. Кўмита тизимида бўш иш жойларига номзодларни, ходимларни лавозимга тайинлаш ва уларни ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда декларация қилиш ташкилотнинг Кадрлар бўлимига қўйидаги хужжатларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича тўлдирилган маълумотнома;

ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш ва ротация қилиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисида мазкур Низомнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ шаклдаги ариза тўлдирилади.

Ходим томонидан тақдим этилган хужжатлар Кадрлар бўлими томонидан уларда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича текширилади.

Манфаатлар тўқнашуви аниқланганида Кадрлар бўлими Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасини (кейинги ўринларда – Раис) ёки номзод ишга қабул қилиниши ёки ротация қилиниши назарда тутилган таркибий бўлинма фаолиятини мувофиқлаштирувчи Раис ўринбосарини хабардор қиласи.

Раис кўрсатмасига асосан Кадрлар бўлими Кўмита, унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларидағи тегишли тузилмалар билан ҳамкорликда манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чораларини кўради.

3-§ Манфаатлар тўқнашувини ҳар йиллик декларация қилиш

16. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ҳар йили декларацияси қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Кўмита тизими ходимлари ҳар йили 15 февралгача мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда ҳар йили ариза топширишда манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақидаги аризани тўлиқ ва тўғри

тўлдиришлари ва тўлдирилган аризани Кадрлар бўлимига тақдим қилишлари лозим;

Кадрлар бўлими 10 марта манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини кўрсатган ходимларни аниқлаш учун манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақида олинган аризаларни таҳлил килади;

таҳлил натижасида фаолиятида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимлар аниқланса, бундай ходимлар ҳақидаги маълумот Кўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари Одоб-аҳлоқ комиссиясига тақдим қилинади;

Кўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари Одоб-аҳлоқ комиссияси ходимнинг бевосита раҳбари ва (зарурат бўлганда) ходим иштирокида 20 марта манфаатлар тўқнашуви ҳолатини кўриб чиқади ва манфаатлар тўқнашуви билан тавсифланадиган вазиятларни ҳал қилиш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиш бўйича ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги ҳақида қарор чиқаради. Мазкур қарор комиссия баённомасига киритилади. Баённомада чора-тадбирларни ишлаб чиқишига масъул тузилма (мансадор шахс) белгилаб қўйилади;

Кадрлар бўлими томонидан 25 марта мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари реестрига киритиладиган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақидаги электрон маълумотларни жамлайди ва сақлайди;

ҳар йили I чоракда Кўмитанинг Кадрлар бўлими манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш, аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича статистика таҳлилини Бош мутахассисга ва Раисга киритади.

4-§ Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши факти бўйича декларация тўлдириш

17. Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши факти бўйича маълумотларни декларация қилиш қуидаги тартибда амалга оширилади:

Кўмита тизими ходимида манфаатлар тўқнашуви келиб чиқканда, у мазкур ҳолат унга маълум бўлган пайтдан бошлаб бир иш куни ичидан бу ҳақда бевосита раҳбарига реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви сифатида тавсифланадиган ҳолатни батафсил баён этган ҳолда, мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда хабар бериши лозим;

ходимнинг бевосита раҳбари ходимдан ёзма хабарни олган пайтдан бошлаб уч иш куни ичидан манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотни кўриб чиқиши ва манфаатлар тўқнашувини баратараф қилиш бўйича таклиф билан хабарномани Кадрлар бўлимига рўйхатдан ўтказиш ҳамда тегишли чораларни кўриш учун тақдим этиши шарт;

Кадрлар бўлими ходимнинг бевосита раҳбари билан ҳамкорликда манфаатлар тўқнашувини баратараф этиш чораларини кўради ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса қилиниб, Бош мутахассисга ва Раисга ёзма шаклда тегишли маълумот киритилади.

5-боб. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари

18. Кўмита тизими манфаатларининг бузилишини олдини олиш мақсадида реал манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари имкон қадар тезроқ амалга оширилиши лозим.

19. Кўмита тизимида манфаатлар тўқнашувларини бошқаришда қуидаги чоралар белгиланиши керак:

бевосита бўйсунадиган ходимни яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахс бўйсунувига ўтказиш;

манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган масалаларни муҳокама қилишда ва улар бўйича қарор чиқариш жараёнида қатнашишдан ходимнинг ўз ихтиёрига кўра четлашиш, ўзини ўзи рад этиши ёки уни мажбуран (доимий ёки вақтинча) четлаштирилиши;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик учун ходимнинг лавозим мажбуриятлари доирасини қайта кўриб чиқиш;

ходим томонидан унинг шахсий манфаатдорлиги бўлган ва манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган Кўмита тизимининг маълумотлари ва хужжатларидан фойдаланилишини чеклаш;

юкорироқ лавозимни эгаллаб турган яқин қариндош ва (ёки) алоқадор шахсга нисбатан лавозимни қўтариш, фаолиятини баҳолаш, мукофот пулларини тўлаш ва иш хақига устамаларни ҳисоблаш, ўқишига ва тренингларга ҳамда турли масалалар бўйича хорижга юбориш, меҳнат таътилига чиқишига розилик бериш ва иш хақини назорат қилиш ҳақида жамоавий тарзда қарор қабул қилинишини таъминлаш;

ходимни манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган меҳнатга оид функцияларни бажаришини назарда тутадиган лавозимга ўтказиш ва бошқа ҳолатлар.

20. Истисно ҳолатларда, ушбу Низомнинг 19-бандида санаб ўтилган чоралар манфаатлар тўқнашувини тўлиқ тартибга солмаган тақдирда, қуидаги тартибга солиш чоралари кўрилиши мумкин:

ходим томонидан Кўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларида давлат қўмитасининг манфаатларига тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан воз кечиши;

ходим томонидан Кўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари ёки маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари манфаатларига тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан воз кечмаганда унинг меҳнат шартномасини бекор қилиш.

21. Ҳар бир вазиятда, манфаатлар тўқнашуви предметини белгилаб берадиган фактдан келиб чиқиб, ходим билан Кўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари ҳамда маҳаллаларида хотин-қизлар фаолларининг келишувига кўра уни ҳал қилишининг бошқа чоралари қўлланилиши мумкин. Кўриладиган барча чоралар қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши ва мазкур Низомда белгиланган тамойилларни амалга оширишни таъминлаши лозим.

22. Кўмита тизимида Кадрлар бўлими ва ходимнинг бевосита раҳбари томонидан манфаатлар тўқнашувини баратараф этиш чоралари ва қабул қилинган қарорлар Одоб-ахлоқ комиссиясининг энг яқиндаги йиғилишида кўриб чиқилиб, бу ҳақда мажлис баённомасида акс эттирилади.

23. Бош мутахассис эътирозига ёки раҳбар топшириғи, шунингдек ўз ташаббуси билан Кадрлар бўлими ва ходимнинг бевосита раҳбари, шунингдек одоб-аҳлоқ комиссиялари томонидан манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг холислиги ва мақбуллигини текшириш хукуқига эга.

6-боб. Ахборотнинг конфеденциаллиги

24. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда қатнашадиган ходимлар олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши ва ушбу маълумотлардан фақат кўриб чиқиш, ҳисобга олиш ва ҳал этиш чораларини кўриш ҳамда ушбу жараённи назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар томонидан фойдаланишини таъминлаши лозим.

25. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан Қўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари ҳамда маҳалладаги хотин-қизлар фаолларида манфаатлар тўқнашуви факти ёки гумони ҳақидаги хабар билан Қўмитага мурожаат қилинганида уни кўриб чиқиш Бош мутахассис томонидан Кадрлар бўлими билан ҳамкорликда мазкур Низом ва бошқа ички ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

7-боб. Реестрни юритиш ва сақлашга қўйиладиган талаблар

26. Қўмитанинг Кадрлар бўлими манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳисобини мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Реестрга киритиши йўли билан ўз вақтида ва тўлиқ юритишлари шарт. Бунда, таркибий ва худудий бўлинмаларнинг Реестридаги маълумотлар Қўмита Кадрлар бўлими томонидан ташкилотнинг умумий Реестирига бирлаштириб борилади. Умумий Реестр Бош мутахассисга ҳар чорақда тақдим этиб борилади.

27. Маълумот Реестрга қўйидаги ҳолларда киритилиши керак:

Қўмита тизимиға ишга қабул қилишда – номзод манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақида аризада манфаатлар тўқнашувининг мавжудлигини кўрсатган бўлса ва Раис манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши мумкинлиги фактини тасдиқласадан;

лавозимга тайинлаш/ротация қилиш вақтида манфаатлар тўқнашувини ошкор қилишда – Қўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари раҳбарлари томонидан буйруқ имзоланган пайтдан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан;

манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишига кўра – Кадрлар бўлими ва ходимнинг бевосита раҳбари томонидан чора кўрилган тақдирда;

ташкилот ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотлар ҳар йили декларация қилинганда – мазкур Низомнинг 17-бандига мувофиқ;

манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ҳақида алоқа каналларидан олинган маълумот тасдиқланганда;

ички хизмат текширувлари ўтказилганда ва Қўмита тизимининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва талабларига риоя қилиниши мониторинг қилинганда ҳамда Раис томонидан Реестрга маълумот киритиш ҳақида бевосита кўрсатма бўлганида.

28. Ходимларнинг манфаатлар тўқнашувига тегишли бўлган ариза ва хабарномалари ҳамда бошқа маълумотлар Кадрлар бўлимида сақланади.

8-боб. Якуний қоидалар

29. Эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, барча ходимлар, ушбу Низомнинг талабларига риоя қилиш, шунингдек, ўз манфаатларининг тўқнашуви тўғрисида Қўмита, унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларига ўз вақтида ва тўлик маълумот бериш бўйича шахсан жавобгар хисобланади.

30. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, унинг
худудий бўлинмалари ҳамда маҳалладаги хотин-
қизлар фаолларида манфаатлар тўқнашувини
бошқариш бўйича Низомга
1-илова

**Номзод/ходим маълумотномасининг
ТАХМИНИЙ ШАКЛИ
МАЪЛУМОТНОМА
ФИШ (тўлиқ)**

(охирги иш жойида иш бошлаган санаси):

_____ (охирги эгаллаган лавозими)
Тугилган санаси:

Тугилган жойи:

Миллати:

Партиявийлиги:

Маълумоти:

Тугатган:

Таълим мутахассислиги:

Илмий даражаси:

Илмий унвони:

Қандай чет тилларини билади:

Ҳарбий (маҳсус) унвони:

Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қандай)?:

Халқ депутатлари, республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими
ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

**(Ф.И.Ш тўлиқ) яқин қариндошлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Қариндошлик даражаси	Фамилияси, исми, шарифи	Тугилган санаси ва жойи	Иш жойи ва лавозими	Яшаш манзили

**(Ф.И.Ш тўлиқ) яқин қариндошлари устав капиталида улушга эга ёки
бошқаруvida иштирок этаётган юридик шахсларга доир
МАЪЛУМОТЛАР**

Юридик шахс номи, рўйхатдан ўтган рақами	Эгалик субъекти ва қариндошлиқ	Эгалик улуши / бошқарувдаги роли	Юридик шахснинг асосий фаолият тuri

**Тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этаётган
(Ф.И.Ш тўлиқ) ва унга алоқадор шахсларга* доир
МАЪЛУМОТЛАР**

Тижорат ташкилот номи, рўйхатдан ўтган рақами	Эгалик улуши

*Алоқадор шахслар рўйхати ходим устав капиталида иштирок этаётган ташкилот ҳақидаги очик манбалардан олинади

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, унинг
худудий бўлинмалари ҳамда маҳалладаги хотин-
қизлар фаолларида манфаатлар тўқнашувини
бошқариш бўйича Низомга
2-илова

**Ишга қабул қилинаётганда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги /
мавжуд эмаслиги тўғрисидаги аризаснинг**

НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

Ф.И.Ш (тўлиқ) _____

Номзод давогарлик қилаётган

таркибий бўлинма номи _____

Номзод давогарлик қилаётган лавозим _____

Тўлдирилган сана _____

Ушбу аризада куйидаги атамалар қўлланилади:

яқин қариндошлар – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олингандар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари.

алоқадор шахслар – Қўмита тизими ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;

мансадор шахс: доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, қўмита тизимида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш оғанларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс;

манфаатлар тўқнашуви – Қўмита тизими ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳукуклари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

1	Агар сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар Қўмита тизимида ишлаётган бўлса, уларнинг лавозимини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг (<i>агар улар ишламаса, “йўқ” деб ёзинг</i>).
	Ха / Йўқ
	Изоҳлар:
2	Бошқарув органи (бошқарув, кузатув кенгаши, директорлар кенгаши ва х.к.) ходими, аъзоси, қандайдир ташкилот директори ёки вакилимисиз? Жавоб бераётганингизда ташкилий-хукуқий ва мулкий шакли, шунингдек мазкур ташкилотлардан қандайдир компенсация олишингиздан қатъий назар ҳар қандай ташкилот, тижорат ва нотижорат ташкилотларидағи ўрнингизни ҳисобга олинг. <i>(Изоҳ: «Ха» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ха»бўлса, изоҳлар сатрида барча тегишли ташкилотлар номи ва улардаги ўрнингиз (лавзоимингиз)ни кўрсатиб ўтинг.</i>
	Ха / Йўқ
	Изоҳлар:
3	Сизда / яқин қариндошларингизда қандайдир ташкилотларда қандайдир молиявий манфаатдорлиги борми (жумладан, устав капиталида иштирок этиш, акция ва облагацияларга эгалик қилиш) ёки Сиз бошқа тарзда бундай ташкилотлар қарорлариға таъсир кўрсата оласизми? (агар сиз ҳар қандай ташкилотнинг оммавий муомалада бўлмаган акциялари ёки устав капиталидаги улуши ёки ҳар қандай ташкилотнинг Республика фонд биржаси ёки бошқа фонд биржасининг оммавий муомаласида бўлган қимматбаҳо қофозларининг 5 ва ундан кўп фоизига эгалик қилсангиз) <i>(Изоҳ:«Ха» ёки «Йўқ» жавобларини белгиланг; агар жавобингиз «Ха» бўлса, «Изоҳлар» сатрида барча тегишли ташкилотлар номи ва Сизнинг улардаги манфаатингиз тури устав капиталидаги иштирокингиз улуши, акцияларга эгалик қилиши ва х.к ларни кўрсатиб ўтинг.)</i>
	Ха / Йўқ
	Изоҳлар:
4	Яқин қариндошларингиз ва/ёки сизга алоқадор шахслар давлат органлари ва ташкилотларида, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида муассасаларида ишлайдими? <i>(Изоҳ:«Ха» ёки «Йўқ» жавобларини белгиланг; агар жавобингиз «Ха» бўлса, «Изоҳлар» сатрида бундай қариндош(лар), алоқадор шахс (лар)нинг ФИШ, унинг (уларнинг) лавозими ва бўлинмаси/бўлими/бошқармасини қайд этган ҳолда аниқ иш жойини кўрсатиб ўтинг.)</i>
	Ха / Йўқ
	Изоҳлар:
5	Яқин қариндошларингиз бошқарув органлари (бошқарув, кузатув кенгаши, директорлар кенгаши ва х.к.) ходими, аъзоси, ташкилот директори ёки вакилими? Жавоб бераётганингизда ташкилий-хукуқий ва мулкий шакли, шунингдек мазкур ташкилотлардан қандайдир компенсация олишидан қатъий назар уларнинг ҳар қандай ташкилот, тижорат ва нотижорат

	<p>ташкилотларидағи ўрнини ҳисобға олинг.</p> <p><i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида барча тегишли ташкилотлар номи ва яқин қариндошингизнинг улардаги ўрни (лавзиимлари)ни кўрсатиб ўтинг.)</i></p>
	Ҳа / Йўқ
	Изоҳлар:
6	<p>Яқин қариндошларингиз давлат органларининг мансабдор шахси ҳисобланадими?</p> <p><i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида бундай қариндошингиз (ларингиз)нинг ФИШ, унинг (уларнинг) лавозими ва ташкилот номини кўрсатиб ўтинг.)</i></p>
	Ҳа / Йўқ
	Изоҳлар:
7	<p>Шахсий манфаатларингиз, яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар манфаатлари йўлида махфий ҳисобланган, давлат органлари ва ташкилотларида ишлаш давомида маълум бўлган ахборотдан фойдаланганмисиз (жумладан, қандайдир жисмоний шахс ёки ташкилотга ошкор қилганмисиз)?</p> <p><i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида бу ҳақида батафсил ёзинг)</i></p>
	Ҳа / Йўқ
	Изоҳлар:
8	Манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган бошқа шартшароитлар мавжуд бўлса, уларни кўрсатиб ўтинг
	Изоҳлар:
9	Зарур топсангиз, ҳар қандай қўшимча маълумотни кўрсатинг
	Изоҳлар:

Ушбу аризани имзолаб, қуидагиларни тасдиқлайман:

- Менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар мавжуд/мавжуд эмас (тегишли жавобнинг тагини чизинг).
- Мен ушбу аризада акс этган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига ҳамда мен ушбу маълумотларни тегишли хуқук-тартибот органлари томонидан текширилишига розилик билдираман.
- Қўмита тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом талабларига биноан, мен тўлдирган ҳар қандай аризани ҳаққонийлигига таъсир қиласиган янги ҳолатлар тўғрисида Қўмита, унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларига дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.

(Ф.И.Ш)

(имзо)

(сана)

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, унинг
худудий бўлинмалари ҳамда маҳалладаги хотин-
қизлар фаолларида манфаатлар тўқнашувини
бошқариш бўйича Низомга
3-илова

**Ротация / лавозимга тайинланишда ёки йиллик декларация тўлдириш вақтида
манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги
тўғрисидаги аризаснинг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

ФИШ (тўлик)	
Номзод давогарлик қилаётган таркибий бўлинма номи	
Номзод давогарлик қилаётган лавозим	
Тўлдирилган сана	

Ушбу аризада қўйидаги атамалар қўлланилади:

яқин қариндошлар – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олингандлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари.

алоқадор шахслар – Қўмита тизими ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;

манфаатлар тўқнашуви – Қўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

1	Агар сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар Қўмита тизимида ишлаётган бўлса, уларнинг лавозимини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг (<i>агар улар ишламаса, “йўқ” деб ёзинг</i>).
2	Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар

	<p>тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этса (якка тартибдаги тадбиркорлар бўлса), сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми?</p> <p><i>(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг).</i></p>
3	<p>Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар нодавлат нотижорат ташкилотларини бошқаришда қатнашса, сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми?</p> <p><i>(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг).</i></p>
4	<p>Сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар давлат идораларида ва ташкилотларида ишлайдими?</p> <p><i>(агар жавоб “ҳа” бўлса қайси ташкилотлигини, лавозимини кўрсатинг)</i></p>
5	<p>Сизга Кўмита тизими ходимлари томонидан унинг этика ва коррупцияга қарши қурашиб масалаларига оид ички хужжатларини бузиш ёки эҳтимолий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар маълумми?</p> <p><i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида бу ҳақида батафсил ёзинг)</i></p>
6	Лозим деб топсангиз қўшимча маълумотларни кўрсатинг.

Ушбу аризани имзолаб, қуидагиларни тасдиқлайман:

- Менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар мавжуд/мавжуд эмас (тегишли жавобнинг тагини чизинг).
- Мен ушбу аризада акс этган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига ҳамда мен ушбу маълумотларни тегишли хуқуқ-тартибот органлари томонидан текширилишига розилик билдираман.
- Кўмита тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги

Низом талабларига биноан, мен тўлдирган ҳар қандай аризани ҳаққонийлигига таъсир қиласиган янги ҳолатлар тўғрисида Кўмита, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларига дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.

(ФИШ)

(имзо)

(сана)

Оила ва хотин-қизлар давлат құмитаси, уннің
худудий бўлинмалари ҳамда маҳалладаги хотин-
қизлар фаолларида манфаатлар тўқнашувини
бошқариш бўйича Низомга
4-илова

Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳисобга олиш

РЕЕСТРИ

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, унинг
худудий бўлинмалари ҳамда маҳалладаги хотин-
қизлар фаолларида манфаатлар тўқнашувини
бошқариш бўйича Низомга
5-илова

бевосита раҳбарнинг ФИШ тўлиқ га
дан ФИШ тўлиқ

ташкилоти, лавозими

алоқа телефон рақами

Манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши эҳтимоли ҳақида

ХАБАРНОМА

Ташкилотнинг 20 ____ йил “____” _____ даги “____” – сон буйруғига
асосан мен,

(ФИШ, лавозими)

сизга манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши эҳтимоли ҳақида қуидагиларни хабар
қиласман:

(Шахсий манфаатлар (тўғридан-тўғри ёки билвосита) хизмат вазифаларини бажаришига
таъсир қилаётган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган ва ходимнинг шахсий манфаати
билин Ташкилотнинг манфаатларига зид келиши мумкин бўлган вазиятни тасвирлайди).

(ФИШ)

(имзо)

(сана)

Ходимнинг бевосита раҳбари томонидан тўлдирилади

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун қуидаги чоралар таклиф
қилинади:
(манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун қўрилган чоралар кўрсатилади)

(раҳбарнинг ФИШ)

(имзо)

(сана)